

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2023 йил октябрь ойининг 27 кунида, жиноят ишлари бўйича Жомбой туман судининг очик суд мажлиси ўз биносида ВКС режимида бўлиб,
Раислик қилувчи А.Абдураззаков,
Судья ёрдамчиси А.Азамовнинг котиблигида,
тарафлардан Жомбой туман прокурорининг ёрдамчиси Ф.Мирзаев,
химоячи Р.Ниязованинг иштирокида,
Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 3-қисмининг «а» банди билан судланувчи Ғуломов Достонбек Рустамжон ўғлига нисбатан юритилган №1-1406-2301/157-сонли жиноят ишини кўрди.

Судланувчи Ғуломов Достонбек Рустамжон ўғли, 1994 йил 6 июлда Фарғона вилоятининг Фарғона шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикасининг фуқароси, соғлом, муқаддам;

1. 2013 йил 21 майда жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар суди томонидан ЖК 166-моддасининг 1-қисми, 168-моддасининг 1-қисми ва 169-моддаси 3-қисмининг «а,б» бандлари билан ЖК 59-моддаси қўлланилиб, 5 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилинган;

2. 2013 йил 23 июлда жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар суди томонидан ЖК 169-моддаси 3-қисмининг «а» банди билан ЖК 59-моддасининг 8-қисми қўлланилиб, 7 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган;

3. 2017 йил 13 мартда жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар суди томонидан ЖК 169-моддаси 3-қисмининг «а» банди билан ЖК 60, 61-моддалари қўлланилиб, 5 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган;

4. 2017 йил 24 июлда жиноят ишлари бўйича Тошлоқ туман суди томонидан ЖК 169-моддаси 3-қисмининг «а» банди, 168-моддаси 3-қисмининг «б» банди ва 227-моддаси 2-қисмининг «а» банди билан ЖК 59-моддасининг 8-қисми қўлланилиб, 7 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилинган;

5. 2017 йил 13 декабрда жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар суди томонидан ЖК 166-моддаси 3-қисмининг «а» банди билан ЖК 59-моддасининг 8-қисми қўлланилиб, 8 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган, 2021 йил 23 февралда жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг ЖК 74-моддаси тартибидаги ажрими билан ўталмасдан қолган 3 йил 11 ой 25 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси шу муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган;

6. 2022 йил 7 январда жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар суди томонидан ЖК 168-моддаси 3-қисмининг «б» банди билан базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 баравари, яъни 27.000.000 сўм жарима жарима жазоси ҳамда 3 йил 6 ой 25 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган;

7. 2023 йил 24 майда жиноят ишлари бўйича Учкўприк туман суди томонидан ЖК 168-моддаси 3-қисмининг «б» банди, 169-моддаси 3-қисмининг «а» банди, 227-моддаси 2-қисмининг «а» банди билан ЖК 59, 60, 61-моддалари қўлланилиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 баравари, яъни 27.000.000 сўм жарима ва 5 йил озодликдан маҳрум қилиш



жазолари тайинланган, озодликдан маҳрум қилиш жазосининг муддатини ўтамоқда;

маълумоти ўрта, оилали, икки нафар фарзандлари бор, ишсиз, Фарғона вилоят, Фарғона шаҳар, Қувасой кўчаси, 25-уй, 1-хонадонда яшаган, иш бўйича «муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат» тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, туман судининг 2023 йил 3 октябрдаги жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш тўғрисидаги ажрими билан эҳтиёт чораси «қамоққа олиш» тарзидаги эҳтиёт чорасига ўзгартирилган, айблов хулосасининг нухасини 2023 йил 19 октябрь куни суддан олган.

Суд, судланувчининг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини атрофлича таҳлил қилиб, жабрланувчиларнинг ва гувоҳларнинг кўрсатувларига ҳукукий баҳо бериб, тарафларнинг музокараси, судланувчининг музокара сўзи ҳамда охириги сўзини тинглаб, қуйидагиларни,

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Ғуломов Достонбек Рустамжон ўғли, хавфли рецидивист ҳисобланиб, 2022 йил 15 августдан 16 август кунига ўтар кечаси, Жомбой туман, А.Қурбонов маҳалласида жойлашган Жомбой туман Тиббиёт бирлашмасининг иккинчи қаватидаги «Шошилич тез тиббий ёрдам бўлими» га ягона мақсадга йўналтирилган ўғрилиқ қилиш мақсадида бориб, мазкур бўлимнинг 5-хонасига ғайриқонуний тарзда кириб, ушбу хонада даволанаётган жабрланувчилар Мухаммедов Мамаражаб ва Носиров Нуриддин Илхомовичлар ухлашаётганлигидан ҳамда атрофда ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, М.Мухаммедовнинг ётоқ жойидаги ёстикнинг орасида турган 2.500.000 сўмлик «Redmi 11» русумли уяли телефон аппаратини ва шкафнинг устида турган Н.Носировга тегишли 1.200.000 сўмлик «Samsung A10» русумли уяли телефон аппаратларини, жами 3.700.000 сўмлик мулкни;

-жиноий ҳаракатларини давом эттириб, мазкур бўлимнинг 4-хонасига ғайриқонуний тарзда кириб, ушбу хонада ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, кроватнинг устида турган жабрланувчи Данабоева Дилором Анарбаевнага тегишли 1.200.000 сўмлик «Samsung J6» русумли телефон аппаратини;

-жиноий ҳаракатларини давом эттириб, мазкур бўлимнинг 3-хонасига ғайриқонуний тарзда кириб, ушбу хонада даволанаётган жабрланувчилар Зулфонов Валижон Худойназарович ва Зулфонова Нодира Нормуродовналар ухлашаётганлигидан ҳамда атрофда ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, шкафнинг устида турган В.Зулфоновга тегишли ғилофида 1.093.714 сўм қийматга тенг бўлган 100 АҚШ доллари турган 1.000.000 сўмлик «Тesno» русумли уяли телефон аппаратини ҳамда кроватнинг устида турган Н.Зулфоновага тегишли 3.200.000 сўмлик «Huawei» русумли уяли телефон аппаратларини, жами 5.293.714 сўмлик мулкни, умумий ҳисобда 10.193.714 сўмлик мулкни яширин тарзда талон-торож қилган.

Суд мажлисида сўроқ қилинган судланувчи Ғуломов Достонбек Рустамжон ўғли, айбловга тўлиқ иқрорлик билдириб, ҳақиқатан ҳам 2022 йил 15 августдан 16 август кунига ўтар кечаси, Жомбой туман, А.Қурбонов маҳалласида жойлашган Жомбой туман Тиббиёт бирлашмасининг иккинчи қаватидаги «Шошилич тез тиббий ёрдам бўлими» га бориб, мазкур бўлимнинг 5-хонасига кириб, ушбу



хонада даволанаётган жабрланувчилар Мухаммедов Мамаражаб ва Носиров Нуриддин Илхомовичлар ухлашаётганлигидан фойдаланиб, М.Мухаммедовнинг ётоқ жойидаги ёстикнинг орасида турган «Redmi 11» русумли уяли телефон аппаратини ва шкафнинг устида турган «Samsung A10» русумли уяли телефон аппаратларини, мазкур бўлимнинг 4-хонасига кириб, ушбу хонада ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, кроватнинг устида турган жабрланувчи Данабоева Дилором Анарбаевнага тегишли «Samsung J6» русумли телефон аппаратини, кейин яна мазкур бўлимнинг 3-хонасига кириб, ушбу хонада даволанаётган жабрланувчилар Зулфонов Валижон Худойназарович ва Зулфорова Нодира Нормуродовналар ухлашаётганлигидан ҳамда атрофда ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, шкафнинг устида турган «Tesno» русумли уяли телефон аппаратини ҳамда кроватнинг устида турган «Huawei» русумли уяли телефон аппаратларини ўғирлаб чиққанлиги, телефон аппаратларининг бирининг ғилофида 50 АҚШ доллари купюрасидаги пул ҳам бўлганлиги, лекин 100 АҚШ доллари эмаслиги, Самарқанд шаҳрининг Поворот деб номланувчи жойда жойлашган «Samsung» номли савдо мажмуасига бориб, у ерда телефон савдоси билан шуғулланувчи нотаниш йигитга бир дона телефон аппаратини 2.500.000 сўмга сотиб, пулларни ўз эҳтиёжига ишлатганлиги, қолган телефонлари ўзида қолганлиги, Жиззах вилоят Ғалларол туман ИИБ ходимлари уни Жомбой туманида содир қилган ўғирлиги ва ундан олдин Фарғона шаҳрида содир қилган ўғирлиги учун ушлаганлиги, содир этган қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон эканлигини, қонуний енгиллик беришни, кечирим сўраб кўрсатув берди.

Судланувчи Д.Ғуломовнинг айби судда айбига тўлиқ иқрорлик билдириб берган кўрсатуvidан ташқари, жабрланувчиларнинг кўрсатувлари ва бошқа далиллар билан ҳам тўлиқ ўз тасдиғини топди. Жумладан,

-жабрланувчи Мухаммедов Мамаражабнинг, Жомбой туман, А.Қурбонов маҳалласида жойлашган Жомбой туман Тиббиёт бирлашмасининг иккинчи қаватидаги «Шошилич тез тиббий ёрдам бўлими» нинг 5-хонасида даволанаётганида, 2022 йил 15 августдан 16 август кунига ўтар кечаси, номаълум шахс унинг ётоқ жойидаги ёстикнинг орасида турган 2.500.000 сўмлик «Redmi 11» русумли уяли телефон аппаратини ва шкафнинг устида турган у билан бир хонада ётиб даволанаётган Носиров Нуриддин Илхомовичга тегишли «Samsung A10» русумли уяли телефон аппаратларини ўғирлаб кетган эканлиги, кейинчалик ушбу жиноятни судланувчи Ғуломов Достонбек Рустамжон ўғли содир этганлигини билганлиги, унга етказилган зарарни ундириб, судланувчига қонуний чора кўришни сўраши ҳақидаги;

-жабрланувчи Носиров Нуриддин Илхомовичнинг, Жомбой туман, А.Қурбонов маҳалласида жойлашган Жомбой туман Тиббиёт бирлашмасининг иккинчи қаватидаги «Шошилич тез тиббий ёрдам бўлими» нинг 5-хонасида даволанаётганида, 2022 йил 15 августдан 16 август кунига ўтар кечаси, номаълум шахс у билан бир хонада ётиб даволанаётган Мухаммедов Мамаражабнинг ётоқ жойидаги ёстикнинг орасида турган «Redmi 11» русумли уяли телефон аппаратини ва шкафнинг устида турган унга тегишли 1.200.000 сўмлик «Samsung A10» русумли уяли телефон аппаратларини ўғирлаб кетган эканлиги, кейинчалик ушбу жиноятни судланувчи Ғуломов Достонбек Рустамжон ўғли содир этганлигини билганлиги, унга етказилган зарарни ундириб, судланувчига қонуний чора кўришни сўраши ҳақидаги;



-жабрланувчининг вакили Юсупов Сардор Рамазонжон ўғлининг, жабрланувчи Данабоева Дилором Анарбаевна онаси эканлиги, онаси Жомбой туман, А.Қурбонов маҳалласида жойлашган Жомбой туман Тиббиёт бирлашмасининг иккинчи қаватидаги «Шошилинч тез тиббий ёрдам бўлими»да ҳамшира вазифасида ишлаганлиги, 2022 йил 15 августдан 16 август кунига ўтар кечаси, номаълум шахс мазкур бўлимнинг 4-хонасига ғайриқонуний тарзда кириб, ушбу хонада ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, кроватнинг устида турган онасига тегишли 1.200.000 сўмлик «Samsung J6» русумли телефон аппаратини ўғирлаб кетган эканлиги, кейинчалик ушбу жиноятни судланувчи Ғуломов Достонбек Рустамжон ўғли содир этганлиги аниқланганлиги, етказилган зарарни ундириб, судланувчига қонуний чора кўришни сўраши ҳақидаги;

-жабрланувчи Зулфонов Валижон Худойназаровичнинг, Жомбой туман, А.Қурбонов маҳалласида жойлашган Жомбой туман Тиббиёт бирлашмасининг иккинчи қаватидаги «Шошилинч тез тиббий ёрдам бўлими» нинг 3-хонасида турмуш ўртоғи Зулфонова Нодира Нормуродовна билан ётиб даволанаётганида, 2022 йил 15 августдан 16 август кунига ўтар кечаси, номаълум шахс улар ухлашаётганлигидан ҳамда атрофда ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, шкафнинг устида турган унга тегишли ғилофида 100 АҚШ доллари бўлган, 1.000.000 сўмлик «Тесно» русумли уяли телефон аппаратини ҳамда кроватнинг устида турган турмуш ўртоғи Н.Зулфоновага тегишли 3.200.000 сўмлик «Huawei» русумли уяли телефон аппаратларини ўғирлаб кетган бўлганлиги, кейинчалик ушбу жиноятни судланувчи Ғуломов Достонбек Рустамжон ўғли содир этганлигини билганлиги, унга етказилган зарарни ундириб, судланувчига қонуний чора кўришни сўраши ҳақидаги;

-жабрланувчи Зулфонова Нодира Нормуродовнанинг, Зулфонов Валижон Худойназарович турмуш ўрттғи эканлиги, Жомбой туман, А.Қурбонов маҳалласида жойлашган Жомбой туман Тиббиёт бирлашмасининг иккинчи қаватидаги «Шошилинч тез тиббий ёрдам бўлими» нинг 3-хонасида турмуш ўртоғи Зулфонов Валижон Худойназарович ётиб даволанганлиги, ўзи ҳам турмуш ўртоғи билан бирга бўлганлиги, 2022 йил 15 августдан 16 август кунига ўтар кечаси, номаълум шахс улар ухлашаётганлигидан ҳамда атрофда ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, шкафнинг устида турган Зулфонов Валижон Худойназаровичга тегишли ғилофида 100 АҚШ доллари бўлган, 1.000.000 сўмлик «Тесно» русумли уяли телефон аппаратини ҳамда кроватнинг устида турган унга тегишли 3.200.000 сўмлик «Huawei» русумли уяли телефон аппаратларини ўғирлаб кетган эканлиги, кейинчалик ушбу жиноятни судланувчи Ғуломов Достонбек Рустамжон ўғли содир этганлигини билганлиги, унга етказилган зарарни ундириб, судланувчига қонуний чора кўришни сўраши ҳақидаги;

Бундан ташқари, жиноят ишининг 4-15-варақларидаги ходиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси, илова қилинган чизма ва фотосуратлар; ишнинг 19-варағидаги М.Мухаммедовнинг, ишнинг 22-варағидаги Қ.Худойназаровнинг аризалари; ишнинг 98-100-варақларидаги ўз айбига иқрорлик баённомаси, илова қилинган тушунтириш хатлари; ишнинг 106-109-варақларидаги телефон аппаратини кўздан кечириш баённомаси, илова қилинган фотосуратлар; ишнинг 110-112-варақларидаги нарсани таниб олиш учун кўрсатиш баённомаси, илова қилинган фотосуратлар; ишнинг 113-118-варақларидаги ҳукм нусхаси; ишнинг 119-варағидаги оғзаки аризани қабул қилиш баённомаси; тушунтириш



хатлари ҳамда иш бўйича тўпланган бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан тўлиқ ўз тасдиғини топди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 28-моддасида жиноят содир этганликда айбланаётган шахс унинг айби қонунда назарда тутилган тартибда ошқора суд муҳокамаси йўли билан исботланмагунча ва суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланмагунча айбсиз деб ҳисобланиши қайд этилган бўлиб, судланувчи Ғуломов Достонбек Рустамжон ўғлининг, хавфли рецидивист ҳисобланиб, жабрланувчиларнинг мулкларини яширин тарзда талон-торож қилганликда ифодаланган айби суд мажлисида тўлиқ ўз тасдиғини топган бўлиб, дастлабки тергов органи томонидан унинг жиноий ҳаракатлари ЖК 169-моддаси 3-қисмининг «а» банди билан тўғри ва асосли квалификация қилинган.

Бироқ, дастлабки тергов органи Д.Ғуломовнинг жиноий ҳаракатларини такроранлик квалификация белгиси билан квалификация қилишда барвақт тўхтамга келган.

Хусусан, гарчанд, жабрланувчилар турли кишилар ҳисоблансаларда, Д.Ғуломов шифохонадаги беморлар ётган хоналарга ғайриқонуний кириб чиқиб, ўғрилик қилишига имкон берувчи ҳолатларда (беморлар ухлаётганлиги, хонада бирор киши бўлмаслиги ва бошқалар), жабрланувчиларнинг мулкларини ўғирлашга қаратилган умумий қасд билан қамраб олинган ва ягона мақсадга йўналтирилган жиноий ҳаракатларини амалга оширган бўлиб, бир ўғрилик жинояти таркиби мавжуд.

Шу боис, суд. Д.Ғуломовнинг ҳаракатларидан такроран ўғрилик қилиш квалификация белгисини чиқаришни лозим топди.

Шу қатори суд, Д.Ғуломовнинг уяли телефон аппаратларининг бирининг ғилофида 50 АҚШ доллари ҳам мавжуд бўлганлиги, бу 100 АҚШ доллари бўлмаганлиги тўғрисидаги кўрсатувларини атрофлича таҳлил қилиб, жабрланувчи В.Зулфоновнинг кўрсатувларидан келиб чиқиб, аслида уяли телефон аппарати ғилофида 100 АҚШ доллари мавжуд бўлганлиги тўғрисида тўхтамга келди.

Зеро, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 66-моддасида мулкдор ўзига тегишли бўлган мол-мулкка ўз хоҳишича эгалик қилиши, ундан фойдаланиши ва уни тасарруф этиши қатъий белгиланган.

Жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятини давом эттиришга тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек бошқа шахсларни янги жиноят содир этишини олдини олиш мақсадида қўлланилиши назарда тутилган.

Суд, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасининг 4-хатбошисидagi Давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги тўғрисидаги кўрсатилган талабларини инобатга олиб, судланувчи Д.Ғуломовга жазо тайинлашда жазони енгиллаштирувчи томонларидан айбига иқрорлигини, шахсини, муқаддам судланмаганлиги, ижобий тавсифланганлигини, оилали бўлиб, икки нафар фарзандлари борлигини, жазони оғирлаштирувчи томонларидан паст ниятларда қасддан жиноят содир этганлигини инобатга олиб, жазони енгиллаштирувчи томонларини у томонидан содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар сифатида баҳолаб, ЖК нинг инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги



«Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида» ги Қарорининг 1, 3-7, 18-бандларида берилган раҳбарий тушунтиришларга амал қилиб, судланувчи Д.Ғуломовни жамиятдан ажратмаган ҳолда қайта тарбиялаш мумкин эмаслиги тўғрисида қатъий хулосага келиб, унга ЖК 169-моддасининг 3-қисми билан санкциясида назарда тутилган доирада озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо чорасини тайинлашни, ЖК 59-моддасининг 8-қисмини қўллаб, жиноят ишлари бўйича Учкўприк туман судининг 2023 йил 24 майдаги ҳукми билан тайинланган базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 баравари, яъни 27.000.000 сўм жарима ва 5 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоларини тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазоси муддатига ЖК 61-моддаси тартибида тўлиқ ва қисман қўшиб, узил-кесил жарима ва озодликдан маҳрум қилиш жазоларини тайинлашни, ЖК 61-моддаси талабидан келиб чиқиб, жарима ва озодликдан маҳрум қилиш жазоларини алоҳида ижро эттиришни белгилашни лозим топди.

Шу қатори, ЖК 34-моддаси 3-қисмининг «б» бандида беш йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкин бўлган қасддан янги жиноят содир этиш, яъни илгари оғир жинояти учун икки марта ҳукм қилинган ёки олдин-кейинлигидан қатъи назар, оғир ёки ўта оғир жиноятлар учун уларнинг ҳар бирига беш йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган шахснинг оғир жиноят содир этиши ўта хавфли рецидив жиноят деб топилиши, ушбу модданинг 4-қисмида суднинг ҳукми билан шахс ўта хавфли рецидивист деб топилиши мумкинлиги назарда тутилган.

Жиноят иши ҳужжатларига кўра, судланувчи Д.Ғуломовга муқаддам, 2013 йил 21 майда жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар суди томонидан ЖК 166-моддасининг 1-қисми, 168-моддасининг 1-қисми ва 169-моддаси 3-қисмининг «а,б» бандлари билан ЖК 59-моддаси қўлланилиб, 5 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш, 2013 йил 23 июлда жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар суди томонидан ЖК 169-моддаси 3-қисмининг «а» банди билан ЖК 59-моддасининг 8-қисми қўлланилиб, 7 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазолари тайинланган.

Шундан сўнг, судланганлик муддати ўтмасдан туриб, 2017 йил 13 мартда жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар суди томонидан ЖК 169-моддаси 3-қисмининг «а» банди билан ЖК 60, 61-моддалари қўлланилиб, 5 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш, 2017 йил 24 июлда жиноят ишлари бўйича Тошлоқ туман суди томонидан ЖК 169-моддаси 3-қисмининг «а» банди, 168-моддаси 3-қисмининг «б» банди ва 227-моддаси 2-қисмининг «а» банди билан ЖК 59-моддасининг 8-қисми қўлланилиб, 7 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш ва 2017 йил 13 декабрда жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар суди томонидан ЖК 166-моддаси 3-қисмининг «а» банди билан ЖК 59-моддасининг 8-қисми қўлланилиб, 8 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазолари тайинланган.

Бундан ташқари, яна судланганлик муддати ўтмасдан туриб, яна 2022 йил 7 январда жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар суди томонидан ЖК 168-моддаси 3-қисмининг «б» банди билан базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 баравари, яъни 27.000.000 сўм жарима жарима жазоси ҳамда 3 йил 6 ой 25 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси, 2023 йил 24 майда жиноят ишлари бўйича Учкўприк туман суди томонидан ЖК 168-моддаси 3-қисмининг «б» банди, 169-моддаси 3-қисмининг «а» банди, 227-моддаси 2-қисмининг «а» банди билан ЖК 59, 60, 61-моддалари



кўлланилиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 баравари, яъни 27.000.000 сўм жарима ва 5 йил озодликдан маҳрум қилиш жазолари тайинланган, суднинг ҳукми билан жазо қаттиқ тартибли колонияларда ўтатирилиши белгиланган. Ушбу жиноятларнинг барчаси оғир жиноятлар ҳисобланади.

Айни вақтда Д.Ғуломов айбли деб топилаётган ЖК 169-моддаси 3-қисмининг «а» бандида назарда тутилган жиноят ҳам оғир жиноятлар туркумига киради.

Шу боис суд, ЖК 34-моддаси 3-қисмининг «б» банди талабидан келиб чиқиб, судланувчи Д.Ғуломовни «ўта хавфли рецидивист»,-деб топишни, жазони махсус тартибли колонияларда ўтатиришни белгилашни, жазони ўташни бошлаш муддатини жиноят ишлари бўйича Учкўприк туман судининг 2023 йил 24 майдаги ҳукми билан белгиланган муддатдан, яъни 2022 йил 26 август кунидан ҳисоблашни лозим топди.

Шу билан биргаликда суд, ашёвий далил тариқасида олинган «Huawei» русумли телефон аппарати жабрланувчи Зулфонова Нодира Нормуродовнага тилхат орқали қайтарилганлигини инобатга олиб, ҳукм қонуний кучга киргач, судланувчи Ғуломов Достонбек Рустамжон ўғлидан жабрланувчи Мухаммедов Мамаражабга ўғирланган «Redmi 11» русумли уяли телефон аппаратининг 2.500.000 сўмлик қийматини, жабрланувчи Носиров Нуриддин Илхомовичга ўғирланган «Samsung A10» русумли уяли телефон аппаратнинг 1.200.000 сўмлик қийматини, жабрланувчи Данабоева Дилором Анарбаевнанинг вакили Юсупов Сардор Рамазонжон ўғлига ўғирланган «Samsung J6» русумли телефон аппаратининг 1.200.000 сўмлик қийматини, жабрланувчи Зулфонов Валижон Худойназаровичга ўғирланган «Tesno» русумли уяли телефон аппаратининг 1.000.000 сўмлик қийматини ва 100 АҚШ долларининг ҳукм эълон қилинган санадаги миллий валютага нисбатан қийматини (2023 йил 27 октябрь куни ҳолатига 1 АҚШ доллари 12.210 сўм қийматга тенг), яъни 1.221.000 сўмни, жами 2.221.000 сўмни ундиришни белгилашни лозим топди.

Шу каби суд, жабрланувчиларга, уларга Д.Ғуломовнинг ҳаракатлари натижасида етказилган бошқа моддий ва маънавий зарарни ундириш юзасидан фуқаролик иш юритуви тартибида судга мурожаат қилиш ҳуқуқлари мавжудлигини тушунтиришни лозим топди.

Юқоридагиларга кўра суд, Ўзбекистон Республикаси ЖПК 454-457, 460, 462-463, 465-468, 471-473, 475-моддаларини қўллаб, ҳукм қилди,

Ҳ У К М:

Судланувчи Ғуломов Достонбек Рустамжон ўғли, Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 3-қисмининг «а» банди билан айбли деб топилсин ва шу модда билан 5 (беш) йил муддатга озодликдан маҳрум қилинсин.

ЖК 59-моддасининг 8-қисмига асосан, жиноят ишлари бўйича Учкўприк туман судининг 2023 йил 24 майдаги ҳукми билан тайинланган жарима ва озодликдан маҳрум қилиш жазолари тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазоси муддатига ЖК 61-моддаси тартибида жарима жазоси тўлиқ, озодликдан маҳрум қилиш жазоси эса қисман қўшилиб, узил-кесил базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 (бир юз) баравари, яъни 27.000.000 (йигирма етти миллион) сўм жарима ва 5 (беш) йил 6 (олти) ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазолари тайинлансин.



ЖК 34-моддаси 3-қисмининг «б» бандига биноан, судланувчи Д.Ғуломов «ўта хавфли рецидивист», -деб топилсин.

Жазо махсус тартибли колонияларда ўтаттирилиб, жазони ўташни бошлаш муддати 2022 йил 26 август кунидан ҳисоблансин.

ЖК 61-моддасига биноан жарима ва озодликдан маҳрум қилиш жазолари алоҳида ижро этирилсин.

Судланувчи Д.Ғуломовга қўлланилган «қамокқа олиш» тарзидаги эҳтиёт чораси аслича қолдирилсин.

Ашёвий далил тариқасида олинган «Huawei» русумли телефон аппарати жабрланувчи Зулфонова Нодира Нормуродовнага тилхат орқали қайтарилганлиги инобатга олинсин.

Ҳукм қонуний кучга киргач, судланувчи Ғуломов Достонбек Рустамжон ўғлидан жабрланувчи Мухаммедов Мамаражабга 2.500.000 (икки миллион беш юз минг) сўмлик;

-жабрланувчи Носиров Нуриддин Илхомовичга 1.200.000 (бир миллион икки юз минг) сўмлик;

-жабрланувчи Данабоева Дилором Анарбаевнанинг вакили Юсупов Сардор Рамазонжон ўғлига 1.200.000 (бир миллион икки юз минг) сўмлик;

-жабрланувчи Зулфонов Валижон Худойназаровичга 2.221.000 (икки миллион икки юз бир минг) сўмлик етказилган зарар суммаси ундирилсин.

Жабрланувчиларга, уларга Д.Ғуломовнинг ҳаракатлари натижасида етказилган бошқа моддий ва маънавий зарарни ундириш юзасидан фуқаролик иш юритуви тартибида судга мурожаат қилиш ҳуқуқлари мавжудлиги тушунтирилсин.

Ҳукмдан норози томонлар, шу жумладан судланувчи ва жабрланувчилар ҳукмнинг нусхасини олган вақтдан бошлаб йигирма сутка муддат ичида шу суд орқали Самарқанд вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят қилишга ва протест келтиришга ҳақли.

Раислик қилувчи:

А.Абдуразаков

